

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати

ўртасида ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида

ва ҳудудларидан ташқарида

ҳаво қатновини йўлга қўйиш мақсадида тузилган

Б И Т И М

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
ва Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати
(бундан буён матнда «Аҳдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар)

- 1944 йилнинг еттинчи декабр кунда Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг аъзолари бўлгани ҳолда,

ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида ва ҳудудларидан ташқарида ҳаво қатновини йўлга қўйиш мақсадида юқорида айтиб ўтилган Конвенцияга қўшимча равишда битим тузиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда
Таърифлар

(1) Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битим мақсадлари учун:

(a) «Конвенция» атамаси 1944 йилнинг еттинчи декабр кунда Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва:

(i) ўша Конвенциянинг 94 (a)-моддасига биноан кучга кирган ҳамда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон эътироф этган Конвенцияга киритилган тузатишларни; ва

(ii) ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун маълум бир вақт ичида қай даражада кучга эғалигига қараб ўша Конвенциянинг 90-моддасига биноан Конвенцияга киритилган ҳар қандай Иловани ёки тузатишни ўз ичига олади;

(b) «авиация маъмурлари» атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан - Фуқаро авиацияси бош директорини ва Бирлашган Араб Амирликларига нисбатан - алоқа вазирини ёки ҳар икки ҳолда

юқорида уқтириб ўтилган маъмурлар ҳозирги вақтда бажарадиган ишларни амалга ошириш ваколати берилган шахсни ёки ташкилотни англатади;

- (c) «тайинланган авиакорхона» атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимнинг 4-моддасига мувофиқ тайинлаган ва ваколат берган авиация корхонасини ёки корхоналарини англатади;
 - (d) «ҳудуд» атамаси давлатга нисбатан Конвенциянинг 2-моддасида берилган маънони англатади;
 - (e) «ҳаво қатнови», «халқаро ҳаво қатнови», «авиакорхона» ва «нотижорий мақсадларда тўхташ» атамалари Конвенциянинг 96-моддасига улар юзасидан тегишли равишда кўрсатиб ўтилган маъноларни англатади;
 - (f) «тариф» атамаси йўловчиларни ва юкларни ташиш учун тўланиши лозим бўлган қийматларни ва ўша қийматларнинг қўлланилишини тартибга солувчи қоидаларни англатиб, у ўз ичига вакиллик ва бошқа қўшимча хизматлар учун тўланадиган воситачилик ҳақини олади, бироқ почта ташиш ҳақи ва шартлари бунга кирмайди;
- (2) Ушбу Битимга Илова унинг ажралмас қисми деб ҳисобланиши лозим.

2-модда

Конвенциянинг қўлланилиши

Ушбу Битимнинг қоидалари Конвенция қоидаларига халқаро ҳаво қатновларига нисбатан қай даражада қўлланилишига қараб бўйсунди.

3-модда

Тижорий ҳуқуқларнинг берилиши

- (1) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга унинг мунтазам халқаро ҳаво қатновларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқларни беради:

(a) унинг ҳудудидан қўнмаган ҳолда учиб ўтиш;

(b) унинг ҳудудида нотижорий мақсадларда тўхташ;

(2) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга қуйида ушбу Битимда белгиланган ҳуқуқларни ушбу Битимга илова қилинган жадвалнинг тегишли бўлимида кўрсатилган йўналишлар бўйича халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш мақсадида беради. Бундай қатновлар ва йўналишлар бундан буён матнда тегишли равишда «келишилган қатновлар» ва «белгиланган йўналишлар» деб аталади. Белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш чоғида ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига ушбу модданинг (1)-бандида кўрсатилган ҳуқуқларга қўшимча қилиб ушбу Битимга илова қилинган жадвалда мазкур йўналиш учун белгиланган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида жойлашган манзилларда йўловчиларни ва юкларни, шунингдек, почтани олиш ва тушириш мақсадида тўхташ ҳуқуқи берилади.

(3) Ушбу модда (2)-бандининг ҳеч бир қондаси бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ҳақ эвазига ёки ёлланиш йўли билан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи бир манзилга олиб бориш учун, йўловчиларни, юкларни, шунингдек, почтани олиш ҳуқуқини беради деб қаралмаслиги лозим.

4-модда

Авиакорхонани тайинлаш ва қатновлар учун рухсатнома олиш

(1) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда битта ёки бир неча авиакорхоналарни тайинлаш, бундай тайинлашларни бекор қилиш ёки алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

(2) Бундай тайинлаш тўғрисидаги хабарномани олган бошқа Аҳдлашувчи Томон парвозлар учун зарур бўлган рухсатномаларни тайинланган авиакорхонага ушбу

модданинг (3) ва (4)-банди қоидаларига мувофиқ кечиктирмасдан беради.

- (3) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан халқаро ҳаво қатновларидан фойдаланиш чоғида Чикаго Конвенциясининг қоидаларига мувофиқ шундай маъмурлар томонидан одатда ва оқилона тарзда қўлланиладиган қонун ва қоидалардан келиб чиқадиган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботловчи далилларни талаб қилишга ҳақлидир.
- (4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон қатновларни амалга оширадиган авиакорхонага устунлик қилиш ва унинг фаолияти устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ҳуқуқи авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда, юқорида айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг (2)-бандида кўрсатилган парвозлар учун рухсатномаларни беришни рад этиш ёки тайинланган авиакорхона ушбу Битимнинг 3(2)-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиши чоғида бажарилиши зарур деб топилган шартларни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.
- (5) Шу тарзда тайинланган ва рухсатнома олган авиакорхона ушбу Битимнинг қўлланиладиган қоидаларига риоя қилиш шarti билан келишилган қатновларни бажаришни бошлаши мумкин.

5-модда

Рухсатномани бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш

- (1) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига парвозлар учун берилган рухсатномаларни бекор қилиш, ушбу Битимнинг 3(2)-моддасида келтирилган ҳуқуқлардан ўша тайинланган авиакорхона фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ёки бундай ҳуқуқлардан фойдаланишда ўзи зарур деб билган шартларнинг бажарилишини қуйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

- (a) мазкур, авиакорхонага устун даражада эгалик қилиш ва унинг устидан ҳақиқий ~~назорат~~ ~~ўрнатиш~~ авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигига ишонч ҳосил қилмаган ҳар қандай ҳолда; ёки
- (b) мазкур авиакорхона ушбу ҳуқуқларни берган Аҳдлашувчи Томон одатда ва оқилона тарзда қўлайдиган қонун ва қоидаларига риоя қилмаётган тақдирда; ёки
- (c) агар авиакорхона ушбу Битимда белгиланган шартларга мувофиқ ҳаракат қилмаган ҳолда.
- (2) Агарда ҳуқуқлардан фойдаланишни дарҳол бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки ушбу модданинг (1)-бандида белгиланган шартларнинг бажарилишини талаб қилиш бундан буён қонун ёки қоидалар бузилишининг олдини олиш учун етарли бўлмаса, бундай ҳуқуқлардан бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашилгандан сўнггина фойдаланиш мумкин.

6-модда

Келишилган қатновлардан фойдаланиш тамойиллари

- (1) Ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларидан фойдаланиш учун ҳаққоний ва тенг имкониятлар берилиши лозим.
- (2) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси келишилган қатновлардан фойдаланиш чоғида ўзидан кейин айнан шу йўналишдан тўла ёки унинг бир қисмидан фойдаланадиган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасининг қатновларига асоссиз зиён етказмаслик мақсадида унинг манфаатларини ҳам эътиборга олиши лозим.
- (3) Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхонаси томонидан белгиланган йўналишларда амалга ошириладиган келишилган ҳаво қатновлари аҳолининг ҳаво

ташувига бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим ва ҳар бир тайинланган авиакорхона уни тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ёки ҳудудидан келаётган йўловчиларни, юкларни ва почтани ташишга бўлган мавжуд ва оқилона мўлжалланган эҳтиёжларига жавоб бера оладиган ҳажмни иш юклашнинг муътадил миқдорида таъминлашни биринчи даражали масала бўлиши лозим. Авиакорхонани тайинлаган мамлакатдан бошқа давлатлар ҳудудидаги белгиланган манзилларда олинган ёки туширилган йўловчиларни, юкларни ва почтани ташиш умумий тамойилларига мувофиқ бажарилиши лозим, унда ҳажм қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- (a) авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ва ҳудудидан амалга ошириладиган ташув эҳтиёжларига;
- (b) келишилган қатнов ўтадиган ўлканинг ташувга бўлган эҳтиёжларига, бунда ўша ўлкани ўз ичига қамраб оладиган давлатларнинг авиакорхоналари ўрнатган бошқа ҳаво қатновлари ҳам инобатга олинади;
- (c) транзит йўналишлардан режали фойдаланиш эҳтиёжларига.

7-модда Тарифлар

- (1) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхоналари томонидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ёки ҳудудидан ташиш учун ўрнатилган тарифлар барча мавжуд омилларни, хусусан, парвозни амалга ошириш қийматини, фойданинг оқилона миқдорини ва бошқа авиакорхоналарнинг тариф мезонларини ҳисобга олган ҳолда оқилона меёрда белгиланиши лозим.
- (2) Ушбу модданинг (1)-бандида кўрсатилган тарифлар, имкон бўлса, худди шу йўналишдан ёки унинг бир қисмидан фойдаланаётган бошқа авиакорхоналар билан маслаҳатлашиб, ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган манфаатдор авиакорхоналарининг томонидан келишиб олиниши лозим ва бундай келишувга, имкон қадар, Халқаро ҳаво транспорти уюшмасинининг

тарифларни, белгилаш қоидаларини қўллаш орқали эришилиши лозим.

- (3) Бундай тарзда мувофиқлаштирилган тарифлар улар жорий этилиши мўлжалланган кунга камида тўқсон (90) кун қолганида ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларининг тасдиғига тақдим этилиши шарт. Махсус ҳолларда бу муддат номлари зикр этилган маъмурларнинг келишуви асосида қисқартирилиши мумкин.
- (4) Агарда, тайинланган авиакорхоналар мазкур тарифларнинг бирортаси бўйича ҳам келиша олмасалар ёки бошқа бирон сабабларга кўра ушбу модданинг (2)-бандининг қоидаларига мувофиқ тариф белгиланмаса ёхуд ушбу модданинг (3)-бандига мувофиқ белгиланган тўқсон (90) кунлик муддатнинг биринчи ўттиз кунни мобайнида Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг авиация маъмурларидан бири бошқа Аҳдлашувчи Томон авиация маъмурларини ушбу модданинг (2)-бандига мувофиқ келишилган тарифлар билан норози эканликлари тўғрисида огоҳлантирсалар, Аҳдлашувчи Томонлар ҳар иккаласининг авиация маъмурлари ўзаро келишув орқали бу тарифни белгилашга ҳаракат қиладилар.
- (5) Ҳеч бир тариф Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари томонидан тасдиқланмаган тақдирда кучга кирмайди.
- (6) Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ ўрнатилган тарифлар мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ янги тарифлар ўрнатилгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

8-модда

Божхона божлари ва бошқа тўловлардан озод қилиш

- (1) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси томонидан халқаро ҳаво қатновида фойдаланилаётган ҳаво кемаси, шунингдек, шу кеманинг рўйхатидаги буюмлари, ёқилғи заҳиралари ва мойлаш воситалари, ҳаво кемаси заҳиралари (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари) бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига келган вақтдан бошлаб барча божхона божларидан, назорат солиқларидан ва бошқа шунинг

сингари йиғимлардан озод қилинади, башарти, бундай буюмлар ва заҳиралар қайтариб олиб чиқиб кетилгунча қадар ҳаво кемаси саҳнида сақланиб турса ёки парвознинг ўша ҳудуд доирасида амалга ошириладиган қисмида ишлатилса.

- (2) Кўрсатилган хизмат харажатларини истисно этган ҳолда худди шундай божлар, йиғимлар ва солиқлардан қуйида келтирилганлар ҳам озод қилинади:
 - (a) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ўша айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Томоннинг маъмурлари белгилаган миқдорда ҳаво кемасининг саҳнига олинган ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро ҳаво қатновини бажариш учун жўнаб кетаётган ҳаво кемасининг саҳнида ишлатиш учун мўлжалланган ҳаво кемасининг заҳиралари;
 - (b) Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонаси амалга оширадиган халқаро ҳаво қатновларида фойдаланиладиган ҳаво кемасини таъмирлаш ёки уни техник ҳолатини ушлаб туриш учун олиб келинган эҳтиёт қисмлар;
 - (c) бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига қарашли бўлган халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш учун жўнаб кетадиган ҳаво кемасининг саҳнига қабул қилиб олинган ёқилғи ва мойлаш воситалари, ҳаттоки, бу заҳиралар уларни олинган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудуди доирасида амалга ошириладиган парвознинг маълум қисмида ишлатиш учун мўлжалланган бўлса ҳам.
- (3) Юқоридаги (a), (b) ва (c) кичик бандларда кўрсатилган буюмларни божхона назорати ёки кузатуви остига қўйиш талаб қилиниши мумкин.
- (4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳаво кемасининг саҳнида сақланиб турган ҳаво рўйхатдаги буюмлар, шунингдек ашёлар ва заҳиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида фақат ўша ҳудуднинг божхона маъмурияти

рухсати билан туширилиши мумкин. Бу ҳолда улар орқага қайтариб олиб чиқиб кетилгунга қадар ёки Аҳдлашувчи Томонларнинг божхона қонунларига мувофиқ бирон-бир бошқа жойга олингунга қадар қайд этилган маъмурлар кузатуви остида сақланиши лозим.

9-модда Тўғри транзит ташуви

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан тўғри транзит орқали ўтадиган ва шу мақсадда тайёрагоҳ ҳудудида ажратилган жойни тарк этмайдиган йўловчилар, уларнинг юки ва юклар соддалаштирилган назоратдан ўтадилар. Тўғри транзит орқали ўтадиган йўловчилар юки ва юклар божхона божлари ва солиқлардан озод бўлиши лозим.

10-модда Даромадларни ўтказиш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонасига ҳаво ташувларини сотиш орқали бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ишлаб топган маблағларининг маҳаллий харажатларидан ортган фойда қисмини ўзининг бош идорасига истаган вақтида эркин ва чеклашсиз истаган эркин алмаштириладиган валютада ва валюта алмаштиришнинг расмий қиймати буйича ҳудудида даромад олинган Аҳдлашувчи Томоннинг валютани тартибга солиш қоидаларига мувофиқ ўтказиш ҳуқуқини беради. Аҳдлашувчи Томонларнинг ваколатли маъмурлари ўртасида тузилган тўловлар тўғрисидаги махсус битим қабул қилинган тақдирда юқорида айтиб ўтилган ўтказиш эркин алмаштириладиган валютада мазкур махсус битимга мувофиқ амалга оширилади.

11-модда Авиакорхона ваколатхонаси ва сотиш

- (1) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ёки авиакорхоналарига кириш, яшаш ва иш билан таъминлашга доир бўлган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига мувофиқ ўша бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига келишилган қатновларни бажариш учун зарур бўлган ўзининг маъмурий, техник, хизматчи ва

бошқа ходимларни олиб келиш ва уларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади.

- (2) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ҳаво ташувларини бевосита ёхуд агентлар орқали уша бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига мувофиқ сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари бундай ташувларни маҳаллий ёки бошқа эркин алмаштириладиган валютада сотиш ва истаган шахс уларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади, агарда бу Аҳдлашувчи Томонларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги миллий қоидаларига зид келмаса.

12-модда

Статистик маълумотлар билан таъминлаш

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларини уларнинг илтимосига биноан ушбу модданинг бошида зикр этилган Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари келишилган қатнов орқали амалга ошираётган ташувлар ҳажмини аниқлаш мақсадида оқилona миқдорда талаб қилиниши мумкин бўлган даврий ёки бошқа статистик маълумотлар билан таъминлашлари лозим. Бундай маълумотлар ўз ичига келишилган қатновда авиакорхоналар томонидан амалга ошириладиган ташувлар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ва бундай ташувларнинг бошланиш ва қўниш манзиллари тўғрисидаги барча ахборотни ўз ичига олиши лозим.

13-модда

Авиация хавфсизлиги

- (1) Фуқаро ҳаво кемасининг, ундаги йўловчиларнинг ва экипаж аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашни халқаро ҳаво қатновларидан фойдаланишнинг асосий шарти деб билган ҳолда, Аҳдлашувчи Томонлар ғайриқонуний аралашув хатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир зиммага оладиган ўзаро мажбуриятлари (ва хусусан, Чикаго Конвенциялари, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган

Ҳаво кемалари саҳнида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16-декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини гайриқонуний равишда эгаллаб олишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция, ҳамда 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатлар билан курашиш ҳақидаги Конвенция қоидаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари) ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини бир-бирларига тасдиқлайдилар.

- (2) Аҳдлашувчи Томонлар талабга биноан ҳаво кемасини гайриқонуний тутқун қилишнинг ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига хавф туғдирувчи бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид қилишнинг ҳар қандай кўриниши олдини олишда бир-бирларига барча зарурий ёрдамни кўрсатишлари лозим.
- (3) Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида Авиация хавфсизлиги стандартларига мувофиқ ва ўзларига нисбатан қай даражада қўлланилишига қараб Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти томонидан ўрнатилган ва Чикаго Конвенциясига Илова этиб тайинланган Тавсияланган амалиётларга биноан иш кўрадилар ва улар асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан ва ўз ҳудудларида жойлашган халқаро тайёрагоҳларнинг фойдаланувчиларидан авиация хавфсизлигининг юқоридаги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар. Ушбу бандга тегишли Авиация хавфсизлиги стандартлари манфаатдор Аҳдлашувчи Томон огоҳлантирган ҳар бир фарқни ўз ичига олади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бирон-бир фарқ борасида огоҳлантириш ниятида эканлиги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонга олдиндан маълумот бериши лозим.
- (4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўх ҳудуди доирасида ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш учун ва йўловчиларни ва уларнинг қўл юкларини назоратдан ўтказиш, экипаж аъзоларини, юкларни (шу жумладан қўл багажи), самолёт заҳираларини ортиш ва туширишдан олдин, ортиш ва

тушириш вақтида текшириш учун самарали чора-тадбирлар кўрилишини ва бу чоралар таҳдиднинг ўсишига барҳам беришга қаратилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхоналарига нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ўзининг ҳудудига кириш, у ердан жўнаб кетиш ва у ерда бўлиб туриш чоғида ушбу модданинг юқоридаги (3)-бандига тегишли бўлган авиация хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш талабини қўйиши мумкинлигига розилик беради. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, оқилона доираларда хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

- (5) Башарти, фуқаро ҳаво кемаси тутқун қилиб олинса ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзолари, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларининг хавфсизлигига гайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллатиш орқали бир-бирларига турлича кўмак берадилар ва бундай кўнгилсизлик ёки таҳдидга жадал ҳамда бешикаст барҳам беришнинг барча зарур чора-тадбирларини кўрадилар.
- (6) Агарда бир Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг авиация хавфсизлиги қоидаларидан чекинса, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларидан кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлашишлар ўтказилишини талаб қилишлари мумкин. Бундай талаб тушган кундан эътиборан ўттиз (30) кун ичида қониқарли келишувга эриша олинмаган тақдирда, биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонасига ёки авиакорхоналарига берилган қатновлар учун рухсатномалардан фойдаланишни бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш, чеклаш ёки улардан фойдаланишда бажарилиши зарур деб топилган шартларнинг бажарилишини талаб қилиш асоси юзага келади. Фавқулодда аҳвол талаб қилган ҳолда эса Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири ўттиз (30) кунлик муддат тугагунга қадар вақтинчалик чораларни кўриши мумкин.

13 а-модда Авиация хавфсизлиги

Ҳар бир Томон авиация мосламалари, авиаэкипаж, ҳаво кемалари ва тайинланган авиакорхоналарнинг фаолиятига тегишли бўлган бошқа Томон ўрнатган хавфсизлик талаблари борасида маслаҳатлашишлар ўтказишни сўраши мумкин. Агарда бундай маслаҳатлашишларда бир Томон Конвенцияга мувофиқ белгиланган талабларнинг лоақал энг кам даражасига жавоб бера оладиган шу соҳадаги қоидаларни ва талабларни жорий этишни ва уларга риоя қилишни бошқа Томон керакли даражада таъминлай олмаётганлигини аниқласа, бошқа Томон бундай келишмовчиликлар борасида ва бундай ҳолатни хавфсизлик талабларининг энг кам даражасига мувофиқлаштириш учун зарур деб ҳисобланган чора-тадбирлар тўғрисида огоҳлантирилади, ва шундан сўнг бошқа Томон тегишли тузатиш ишларини бажариши лозим бўлади. Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ёки авикорхоналарига берилган қатновлар учун рухсатномани ёки техник ваколатномани бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш ҳуқуқини сақлаб қолади, агарда бошқа Томон бундай тузатиш ишларини оқилона белгиланган вақт ичида бажармаётган бўлса.

14-модда Маслаҳатлашишлар

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимни бажариш, талқин қилиш, қўллаш, ўзгартириш ёки ушбу Битимга риоя қилиш борасида маслаҳатлашишлар ўтказишни истаган вақтида сўраши мумкин. Авиация маъмурлари ўртасида ўтказилиши мумкин бўлган бундай маслаҳатлашишлар уларни ўтказиш тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томондан ёзма равишда талаб тушган кундан бошлаб олтмиш (60) кунлик муддат ичида бошланиши лозим, башарти, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида бошқа муддат келишилган бўлмаса.

15-модда Баҳсларни ҳал қилиш

- (1) Ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллаш юзасидан келиб чиққан низоли Аҳдлашувчи Томонлар биринчи навбатда музокаралар орқали ҳал қилишга интилишлари лозим.

13 а-модда Авиация хавфсизлиги

Ҳар бир Томон авиация мосламалари, авиаэкипаж, ҳаво кемалари ва тайинланган авиакорхоналарнинг фаолиятига тегишли бўлган бошқа Томон ўрнатган хавфсизлик талаблари борасида маслаҳатлашишлар ўтказишни сўраши мумкин. Агарда бундай маслаҳатлашишларда бир Томон Конвенцияга мувофиқ белгиланган талабларнинг лоақал энг кам даражасига жавоб бера оладиган шу соҳадаги қоидаларни ва талабларни жорий этишни ва уларга риоя қилишни бошқа Томон керакли даражада таъминлай олмаётганлигини аниқласа, бошқа Томон бундай келишмовчиликлар борасида ва бундай ҳолатни хавфсизлик талабларининг энг кам даражасига мувофиқлаштириш учун зарур деб ҳисобланган чора-тадбирлар тўғрисида огоҳлантирилади, ва шундан сўнг бошқа Томон тегишли тузатиш ишларини бажариши лозим бўлади. Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ёки авикорхоналарига берилган қатновлар учун рухсатномани ёки техник ваколатномани бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш ҳуқуқини сақлаб қолади, агарда бошқа Томон бундай тузатиш ишларини оқилона белгиланган вақт ичида бажармаётган бўлса.

14-модда Маслаҳатлашишлар

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимни бажариш, талқин қилиш, қўллаш, ўзгартириш ёки ушбу Битимга риоя қилиш борасида маслаҳатлашишлар ўтказишни истаган вақтида сўраши мумкин. Авиация маъмурлари ўртасида ўтказилиши мумкин бўлган бундай маслаҳатлашишлар уларни ўтказиш тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томондан ёзма равишда талаб тушган кундан бошлаб олтиш (60) кунлик муддат ичида бошланиши лозим, башарти, Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида бошқа муддат келишилган бўлмаса.

15-модда Баҳсларни ҳал қилиш

- (1) Ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллаш юзасидан келиб чиққан низоли Аҳдлашувчи Томонлар биринчи навбатда музокаралар орқали ҳал қилишга интилишлари лозим.

- (2) Башарти, Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар орқали муросага кела олмасалар, улар бу баҳсни ҳал қила олиш имкониятига эга шахс ёки ташкилотга топширишлари мумкин ёки бу баҳс Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бирининг талабига биноан қуйидаги тарзда тузилиши лозим бўлган уч ҳакамдан ташкил топган ҳакамлар судига топширилиши лозим:
- (a) баҳсларни арбитраж судига топшириш тўғрисида илтимос тушган кундан эътиборан 30 кун ичида ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан ҳакам тайинлаши лозим. Ҳакамлар судининг раиси сифатида иш юритадиган учинчи давлатнинг фуқароси бўлган учинчи ҳакам эса юқоридаги икки ҳакамдан охиригиси тайинлангандан сўнг 60 кунлик давр ичида икки ҳакамнинг келишуви орқали тайинланиши лозим;
 - (b) агарда белгиланган вақт ичида ҳакамлардан биттаси тайинланмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири Халқаро Суд Палатасининг Президентида зарур бўлган тайинлашни 30 кун ичида амалга оширишни илтимос қилиши мумкин. Агарда Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, бу тайинлашни шу асосда ишдан четлаштирилиши мумкин бўлмаган ИКАОнинг Бош котиби амалга оширади.
- (3) Аҳдлашувчи Томонлар ушбу модданинг (2)-бандига мувофиқ чиқарилган ҳар бир қарорни бажаришни ўз зиммаларига оладилар.
- (4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзи тайинлаган ҳакамнинг харажатларини ўз зиммасига олади. Ҳакамлар судининг фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлатлар, шунингдек ушбу модданинг (2)(b)-бандига тегишли тартиботларни бажариш чоғида Халқаро Суд Палатасининг Президенти ёки Вице-президенти томонидан қилинган чиқимлар Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида тенг бўлиниши лозим.
- (5) Суднинг ҳукми Аҳдлашувчи Томонлар учун охириги ҳисобланади.

16-модда Ўзгартириш

- (1) Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битим қоидаларидан бирон-бирини ўзгартиришни лозим топса, у бошқа Аҳдлашувчи Томондан маслаҳатлашиш ўтказишни сўраши мумкин; авиация маъмурлари ўртасида музокаралар ёки ёзишмалар орқали ўтиши мумкин бўлган бундай маслаҳатлашишлар ва Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида бирон-бир бошқа келишув бўлмаган ҳолда, маслаҳатлашишни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан олтмиш (60) кун ичида бошланиши лозим. Шу тарзда келишилган ўзгартиришлар ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг конституциявий талабларига мувофиқ маъқулланганидан сўнг ва дипломатик каналлар орқали ноталар алмашиш йўли билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.
- (2) Ушбу Битимнинг Иловаларига ўзгартиришлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасидаги бевосита келишув орқали киритилиши мумкин.

17-модда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатга олиш

Ушбу Битим ва унга киритилган барча ўзгартиришлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотида рўйхатга олиниши лозим.

18-модда Амал қилишнинг тўхтатилиши

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши мумкин; бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотига ҳам юборилиши лозим. Бу ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олган санадан бошлаб ўн икки (12) ой ўтганидан сўнг, агар Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатилган хабарнома бу давр тугагунига қадар ўзаро розилик бўйича қайтариб олинмаса, Битимнинг амал қилиши тўхтатилади. Башарти, бошқа

Ахдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти хабарнома олганидан сўнг ўн тўрт (14) кун ўтгач, бошқа Ахдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган деб ҳисобланади.

19-модда

Кучга-кириши

Ушбу Битимни ҳар бир Ахдлашувчи Томон ўзининг конституциявий талабларига мувофиқ тасдиқлайди ва бундай тасдиқлашни таъкидловчи ноталар билан дипломатик каналлар орқали алмашилган кундан эътиборан ушбу Битим кучга киради.


Ушбунинг гувоҳи сифатида, тегишли тартибда ўз ҳукуматларидан ваколат олган қуйида имзо чекувчилар ушбу Битимни имзоладилар.

Абу-Даби шаҳрида 1998 йил «17» ноябрда ўзбек, араб ва инглиз тилларида икки асл нусхада тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битимни талқин қилишда ва қўллашда ҳар қандай келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати учун



Бирлашган Араб Амирликлари
Ҳукумати учун



I-бўлим

Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхона фойдаланадиган йўналишлар:

1-устун	2-устун	3-устун	4-устун
Ўзбекистон- даги жўнаш манзиллари	Ораликдаги манзиллар	Бирлашган Араб Амирликлари даги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
Ўзбекистон- даги манзиллар	Бахрейн Дехли	Бирлашган Араб Амирликлари- даги манзиллар	Жидда Қоҳира

Эслатмалар: (1) Ўзбекистон Республикаси томонидан тайинланган авиакорхона ҳар қандай ёки барча парвозлари чоғида 2- ва 4-устунларда кўрсатилган манзиллардан истаганини тушуриб қолдириши мумкин, башарти, йўналиш бўйича келишилган қатновлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бошланса.

(2) Ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси учун ораликдаги ва/ёки ташқаридаги бирон-бир бошқа манзиллар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация матъурлари ўртасида ўтказиладиган маслаҳатлашдишлар орқали белгиланади.

(3) Бешинчи эркинлик: Ораликдаги ва/ёки ташқаридаги манзиллар ўртасида чекланмайди.

(4) **Қўниш мўлжалланган манзил:** Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудуди доирасида исталган иккита манзилдан тижорий ҳуқуқларсиз биргаликда фойдаланиш борасида келишиб олинади. Бироқ йўлда тўхташ ўтиш ҳуқуқлари берилади.

(5) **Юк ташувчи:** Чекланмайди, ўзининг ёки ижарага олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиши мумкин.

II-бўлим

Бирлашган Араб Амирликлари томонидан тайинланган
авиакорхона фойдаланадиган йўналишлар:

1-устун	2-устун	3-устун	4-устун
Бирлашган Араб Амирликлари -даги жўнаш манзиллари	Ораликдаги манзиллар	Ўзбекистон- даги манзиллар	Ташқаридаги манзиллар
Бирлашган Араб Амирликлари- даги манзиллар	Техрон Қобул	Исталган манзиллар	Алмати Пекин

ЭСЛАТМАЛАР: (1) Бирлашган Араб Амирликлари томонидан тайинланган авиакорхона ҳар қандай ёки барча парвозлари чоғида 2- ва 4-устунларда кўрсатилган манзиллардан истаганини тушириб қолдириши мумкин, башарти йўналишлар бўйича келишилган қатновлар Бирлашган Араб Амирликларининг ҳудудида бошланса.

(2) Ҳар икки Аҳдлашуви Томоннинг тайинланган авиакорхонаси учун ораликдаги ва/ёки ташқаридаги бирон-бир бошқа манзиллар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида ўтказиладиган маслаҳатлашишлар орқали белгиланади.

(3) **Бешинчи эркинлик:** Ораликдаги ва/ёки ташқаридаги манзиллар ўртасида чекланмайди.

(4) **Қўниш мўлжалланган манзил:** Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудуди доирасида исталган иккита манзилдан тижорий ҳуқуқларсиз биргаликда фойдаланиш борасида келишиб олинади. Бироқ йўлда тўхташ ўтиш ҳуқуқлари берилади.

(5) **Юк ташувчи:** Чекланмайди, ўзининг ёки ижарага олинган ҳаво кемаларидан фойдаланиш мумкин.